

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 155 (10.208)

2004 ЙИЛ 12 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ



Мамлакатимиз спорт делегацияси Греция пойтахтидаги Олимпия шаҳарчасига жойлашди.

— Барчангиз Афина мезбонлик қилаётган Олимпиада ўйинларига хуш келибсиз! — деди Олимпия шаҳарчаси мэри Жон Манюш иштирокида давлатлар байроқларини кўтаришга бағишланган тантанали маросимда.

Қўлаб мамлакатларнинг Миллий Олимпия қўмиталари вакиллари иштирок этган мазкур маросимда Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, байроғи кўтарилди.

— Бундай ҳаяжонли маросимда биринчи бор қатнашимиз, — дейди миллий жамоамиз аъзоси, боксчи Ўткир Хайдаров. — Мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилганида, қувонганимдан жуда тўлқинланиб кетдим. Олимпия ўйинлари давомида мен эришган галаба шарафига ҳам давлатимиз мадҳияси яна бир бор янграшини, миллий байроғимиз яна сарбаланд бўлишини ният қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

ЎЗА
Анвар ИЛЁСОВ «Жаҳон» АА
олган сурат

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз чиройини очаётган, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш, шаҳримизнинг жаҳон андозалари даражасидаги масканга айланишида муҳим ўрин тутган бунёдкорлик ишлари алоҳида таъкидга лойик.



13
ЎЗБЕКИСТОН

Мустақиллик иншоотлари

ШАҲРИМИЗ ҲУСНИГА ҲУСН ҚЎШАДИ

Ана шундай иншоотлар сони ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик тантаналари нишонланадиган кўлгўз кунларда янада ортади. Бундай биноларни кўриб нафақат кўзингиз қувнади, балки лойиҳачиларимиз маҳорати, қурувчиларимиз ғайрат-шижоати Истиқлол туфайли юксак даражада намоён бўлаётганидан фахрланасиз. Иншоотларнинг мустаҳкамлиги, замонавийлиги, Европа ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашуви, уларнинг ён-атрофларидаги гўзаллик қанча-қанча изланишлар самараси эканлигини тан оласиз.

Мирзо Улугбек туманида ўзининг беқиёс гўзаллигини кашф этаётган, инсонлар саломатлигини таъминлаш, соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида қад ростлаётган бино — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси буюртмаси асосида қурилган Даволаш-соғломлаштириш мажмуаси ҳисобланади.

Унинг талаблар даражасида қад ростлашида бош пудратчилар — «Туронмарказқурилиш» акциядорлик жамиятининг 4- ва 2-қурилиш бошқармаси толмас қўлли бунёдкорлари тер тўкишди. Уларга лойиҳада кўзда тутилган ишларни бекаму кўст бажаришда «Сантехйиғиш» трести, «Баходир ДМ», «Камол», «Таъмир қурилиш» хусусий фирмалари яқиндан ёрдам беришмоқда. Ишларнинг кўнгилдагидек бориши эса ҳамжихатлик ва ҳамкорликда гап қўплигини исботлаб турибди.

Давоми 2-бетда.



ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

• **БУГУН** Акмал Икромов туман ҳокимлигида Республика Марказий сайлов комиссиясининг раиси Бўри-тош Мустафоев билан туман фаоллари ва маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида шу йилнинг декабрь ойида парламентга бўладиган сайловларнинг аҳамиятига бағишланган учрашув уюштирилди.

• **КЕЧА** Миробод туман Давлат солиқ инспекциясида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда жамият ҳаётида хотин-қизлар

фаоллигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамжихатлик ҳамда яқинлашиб келаётган Истиқлол айёмининг 13 йиллигини муносиб кутиб олиш масалалари муҳокама қилинди.

• **КЕЧА** Юнусобод туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбир туманда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланди.

• **БУГУН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан тузилган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида шаҳримиздаги «Оқмасжид» маҳалласида кўча оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

• **КАМОЛОТ** ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг жорий йилнинг олти ойи мобайнида бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишлан-

ган йиғилиши бўлиб ўтди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** кичик бизнес вакиллари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» мавзуида ўтказилган анжуман Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамкорликларида уюштирилди.

• **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида Ҳамза туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман фаоллари иштирокида уюштирилган тадбир «Оғоҳлик — давр талаби» деб номланди.

• **МИРЗО** Улугбек туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда жамоат тартибини сақлаш, терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамжихатлик масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси

Барча маълумлардан олинган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

• **Кеча** Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувида хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Маҳалла кўни» тадбири доирасида брифинг ўтказилди.

• **Асакада** «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси автомобилларни мамлакатимиздаги истеъмолчиларга тезкор етказиб бериш учун тирка-мали «МАЗ» машиналаридан фойдаланишни йўлга қўйди. Қўшма корхона Россиядан автомобиллар ташишга мўлжалланган йигирма дونا супермаз русумли машиналарни сотиб олди.

• **Каттакўрғон** шаҳридаги саноат касб-хунар коллежи эндиликда тиббиёт коллежига айлантирилди. Умуман, илм даргоҳини қайтадан бунёд этишга 1 миллиард 125 миллион сўм маблағ сарфланди.

• **Кўрик** Мингбулоқ туманидаги иқтидорли болалар интернат-мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари ёзги таътилни сўнгги ойини АҚШнинг Колорадо штатидаги тенгдошлари даврасида ўтказадиган бўлишди.

• **Бўстонлик** туманидаги «Ниҳол» болалар оромгоҳида «Мустақил оила — қудратли ватан» мавзуида VI фестивалининг II босқичи бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• **Россия** ва **Грузия** Жаҳоний Осетиядан барча қуролланган кўшинларни олиб чиқиб, бу ерда фақат тинчликпарвар кучларни қолдиришга қарор қилдилар.

• **Истамбулдаги** икки меҳмонхонада уюштирилган портлашларга алоқадорликда гумон қилиниб, саккиз киши қўлга олинган. Уларнинг барчаси қурд айирмачиларидир.

• **Покистон** полицияси Аршад исми «Ал-Қоида» гуруҳининг раҳбарларидан бирини қўлга олди. Операция чоғида 12 та ракета, 3 та ракета учирувчи қурилма, 2 та Калашников автомат, 3 та тўппонча ва ўқ-дорилар олинди.

• **Япониядаги** атом электр станцияларидан икитасида юз берган фожиадан сўнг кунчиқар мамлакат маъмурияти барча АЭСларда жиддий текширувлар ўтказишга буйруқ берди.

Иқтисодиёт

АСОСИЙ
БУЮРТМАЧИЛАРИГА
ЭГА

«Инвест-тош» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда турли шакл ва ҳажмдаги мрамор плиткалардан ташқари мозаикали плиткалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Асосан 15x40 миллиметр қалинликдаги, 30x40, 40x50 сантиметр узунликдаги мрамор плиткалар тайёрланадиган жамоада 40 нафар ишчи мутахассислар ишлашади. Шартнома асосида йилга 25900 квадрат метр, яъни 297 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараётган корхонага Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган.

Хозирда корхонанинг буюртмачилари «4-трест», «12-трест», «159-трест» акциядорлик жамиятлари «Метро-маҳсулоти» бошқармаси ҳамда қўллаб кичик корхоналардир.

ҚАДОҚЛАНИШИГА
ЭЪТИБОР
КАРАТИЛМОҚДА

Бектемир туманидаги «Хабигул» масъулияти чекланган жамиятида тозаловчи ва оқартирувчи воситалар энди ихчам идилларда ишлаб чиқарилмоқда.

Сифатида алоҳида эътибор қаратилган корхона маҳсулотлари бошқаларга қараганда нисбатан арзон ва экологик жиҳатдан зарарсиз ҳисобланади. Илгари буюртмага кўра 0,5 килограмм кўтилларда, 0,4 килограмм пакетларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эндиликда ташқи кўриниши бежирим кўтилларга қадоқланмоқда.

— Хозирда кўпчилик харидорлар харид қилаётган маҳсулотнинг бежиримлигига алоҳида эътибор беришади, — дейди корхона раҳбари Собиржон Раҳимов. — Албатта талабдан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқариш хар бир тадбиркорнинг ўзи учун фойдалидир. Шундай экан, эндиликда маҳсулотимиз сифати билан бира унинг қадоқланишига ҳам эътибор беришни асосий вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

ХУШБҮЙ АТИРЛАР

Сир эмаски, ула-эликлар, парфюмерия буюмлари аёллар кўрқига кўрк, чиройига чирой бахш этувчи пардоз воситалари ҳисобланади. Шаҳримиздаги «Сайбо» масъулияти чекланган жамияти худди шундай маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналардан биридир.

Ушбу корхонага турли парфюмерия композициялари, эфир мойларининг 50-90 фоизи Россия ва Франция давлатларидан келтирилади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган атир, хушбўй сувлар, одеклон, лосьон каби парфюмерия маҳсулотларининг сифати Россия ва Хитойда ишлаб чиқарилаётган парфюмериялардан анча юқори. Корхонага ташқи кўриниши бежирим, кўзни қувнатувчи шиша идилларни «Фарм-гласс» қўша корхонаси шартнома асосида тайёрлаб беради.

Орзулгул РУСТАМОВА



Мустақиллик иншоотлари

ШАҲРИМИЗ
ҲУСНИГА ҲУСН
ҚЎШАДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Курилиш майдонида айни кунларда ташқи чиройи тўла таъминланган, «А», «Б», «В», «Г» блокларидан ташкил топган иншоотлар мажмуасининг ички пардозлаш юмушлари кизгин давом этмоқда. Курилиш-тиклаш ва пардозлашда хорижий ҳамда маҳаллий қурилиш ашёларидан ўринли фойдаланилаётганлиги жозибдорлики оширишга муҳим ҳисса бўляпти. Мажмуада қўллаб спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилиши баробарида, турли йўللار билан даволашни ташкил этиш, самарали муолажа турларини қўллаш учун ҳам шарт-шароитлар кўзда тутилган.

Ердამчи пудратчилар ора-

сида пардозлаш ишларини адо этаётган «Таъмиркурилиш» фирмаси пардозчиларининг алоҳида ўрни бор. Улар бор маҳоратларини сифатга қаратишмоқда.

— Пойтахтимиздаги мана шундай йирик мажмуа қурилишида меҳнатимиз сингаётганидан бениҳоя мамнунмиз, — дейди фирма директори ўринбосари Ёқубжон Иzzатуллаев. — Айниқса, иш кўзини билган сувоқи ва бўёқчиларимиз ўз ишларини пухта бажаришмоқда. Биз ўз ишимизда «Хар бир юмушни устаси баҳарсин» деган ақидага амал қиламиз. Фаолиятимиз давомида қаерда меҳнат қилмайлик, фақат тез ва соз ишлашга интиляймиз. Ҳадемай ушбу бино фойдаланишга топширилади. Бу борада ўз ҳисса-



миздан мамнунмиз, албатта.

Шаҳримизда мана шундай бетакрор иншоотларнинг кўпайиши, уларнинг яхшилик-ка хизмат қилиши қувонарли, албатта. Бу яқинлашаётган ажойиб байрам тўғрисида. Бунёдкорларнинг байрам совғаси, юзларидаги мамнунлик эса ундан ҳам яхши. Бундай хушнудлик, бунёдкорлик қўлами юксалаётгани, қурувчилар маҳорати ортиб бораётгани Истиқлол шарофати, унинг тотли мевасидир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: мажмуанинг ташқи кўриниши; 7-бизнес коллежи талабаси Сайдулла Мирдадев мажмуа қурилишида фаоллик кўрсатмоқда; «Таъмиркурилиш» фирмаси директори ўринбосари Ёқубжон Иzzатуллаев (ўртада), сувоқчилар Юсуф Жалолов ва Олимжон Расуловларга навбатдаги топшириқни бермоқда.

Хакимжон Солиҳов олган суратлар.



КАСБ ФИДОЙИЛАРИ


Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани давлат солиқ инспекцияси жамоаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджетига ўз вақтида ҳамда тўлалигича ундириш борасида ижобий натижага эришмоқда. Бугунги кунда туманда 15 мавзе, 36 маҳалла бўлиб, уларда 55.163 хонадон мавжуд. Шундан 32.855 мулк ва 18009 ер солиғи тўловчиларидир. 7027 фуқаро эса солиқ тўлашда имтиёзга эга.

— Биз бугунги кунда долзарб масалалардан бўлган нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланиши олдини олишга жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Бахтиёр Қосимов. — Айни дамда туманимизда жами нақд пул билан ишловчи 2524 хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд бўлиб, уларда доимий равишда назорат ва хронометраж — кузатиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари нафақат солиқ тўловчилар, балки фуқаролар ўртасида ҳам солиқ қонунчилиги, тўлаш маданияти

ва ҳамкорлик юзасидан ҳам тушунтириляпти. Бу ишда маҳалла фаоллари солиқчиларга амалий ёрдам беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: тумандаги «Янгиобод» маҳалласида ДСининг «қиска муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими ходимлари оксоқоллар даврасида; 5-ДСИ ходимлари — Улуғбек Арзибеков ва Улуғбек Қиличев Акмал Икромов савдо корхонаси дўкон сотувчи Севара Алимухамедова билан савдо қонунчилиги юзасидан суҳбатлашмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ҲИНД АЁЛЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадий академияси ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида «Аёллар шодийнаси: Амрита Шергилнинг қайтиши» кўргазмаси очилди.

Кўргазма Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 57 йиллигига бағишланди. Унда эллик нафар машҳур ҳинд мусаввир аёлларининг Амрита Шергил (1913-1941) шахси ва ижодига бағишланган асарлари намойиш этилмоқда.

А. Шергил болалигидан икки маданият, яъни Ғарб ва Шарқ дунёси маданияти чегараларида ўсиб улғайди. Унинг онаси венгер миллатига мансуб, ота томонидан эса сиҳларга бориб тақалди. Мусаввира 29 ёшида оламдан ўтди. Шу қисқа умри давомида рассомчилик санъатида ўзига хос мактаб яратишга улгурди. Амрита оддий халқ ҳаётини ўзининг қатъий услубдаги ва маҳаббатли асарларида акс эттирган биринчи ҳинд мусаввираси ҳисобланади. Мазкур экспозициядан унинг учта асари ўрин олган. Унинг шогирдлари ва издошлари томонидан тақдим этилган асарларда Амрита Шергилнинг руҳи сезилиб туради. Ҳар бир рассом унинг ўлмас асари ҳисобланган «Уч опа-сингил» композициясини ўз мўйқаламида шарҳлаган.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Эз — қўлмоқда соз!

Бу йилги ёзги таътил Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчилари учун ҳам мазмунли бўлди. Олий ўқув юрти ректорати ҳамда касаба уюшмаси саяхатлари билан талайгина ўқитувчи сўлим боғ-роғлар қўйнида жойлашган оромгоҳларда ҳордиқ чиқардилар.

ЎҚИТУВЧИЛАР
МАРОҚИ
ДАМ ОЛИШДИ

Университет тасарруфидидаги дилар.Жумладан, «Ўзбекэнергия» ҳиссадорлик компанияси ҳиммат кўрсатиб, бир неча ташқари «Нурафшон», «Чимён» санаторийлари ҳам ўқитувчиларни ўз бағрига олдди. Бир гуруҳ дам олувчиларга «Кумушқон» санаторийсига имтиёзли йўлланма берилди. Бунда ҳомий ташкилотлари ҳам ҳиммат кўрсат-

дилар.Жумладан, «Ўзбекэнергия» ҳиссадорлик компанияси ҳиммат кўрсатиб, бир неча нафар ўқитувчига турли оромгоҳларда дам олишлари учун йўлланма ажратди.

Шундай қилиб, профессор-ўқитувчилар яхши дам олиб, янги ўқув йилига янги куч-гайрат тўпладилар.

Анвар ВАЛИЕВ

Маъин

ИНСТИТУТДА
ЮНЕСКО
КАФЕДРАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан мувофиқлаштирувчи ўқув-методик марказнинг ташкил этилиши санъат олий ўқув юртида ўқув жараёнида давр талаблари асосида уюштиришда муҳим омил бўлди. Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомчилик дизайн институти ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу марказ олий ўқув юртининг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш учун ҳам кенг йўл очиб берди.

Институтда арт-менеджмент йўналишида фаолият кўрсатадиган кафедранинг очилиши ҳам айти мудоа бўлди. ЮНЕСКО кафедраси сифатида иш кўрсатадиган бу илмгоҳ Ўзбекистон Бадий академиясининг халқаро алоқалар бўлими билан бамаслаҳат иш юритиб, чет эл тажрибалари асосида таълимий жараёнларни амалга оширади.

Янги ўқув йилига яхши совға бўлган бу кафедрада чет мамлакатлардан келган малакали мутахассислар машғулотларни олиб боришади.

ЯНГИ
ИХТИСОСЛИКЛАР
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Республикада қишлоқ хўжалигининг сув хўжалиги тармоғини янада ривожлантириш йўлида кенг кўламли техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра мазкур йўналишда фаолият кўрсатадиган кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Собиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига янги маком берилиши ҳам айти мудоа бўлди. Эндликда Тошкент ирригация ва мелиорация институти деб номланаётган бу олий ўқув юртида янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ирригация ва мелиорация ихтисослигидан ўқитиладиган кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтариш мақсадида кўрилатган режаларнинг аксарияти ҳам 2004-2005 ўқув йилида амалга ошади.

Олий ўқув юртида фермер хўжалигини бошқариш, сув ресурслари ва уларни бошқариш, қишлоқ ва яйловлар сув таъминоти каби янги ихтисосликлар ўқув ташкил этилади. Булардан ташқари сув хўжалигида техникалардан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив тизими, гидротехник иншоотлар ва насос станцияларидан фойдаланиш таълими йўналишларида мутахассислар ҳам етиштириб чиқилади.

Акбар АЛИЕВ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк давларида ноқ маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, таълим-тарбия тизимини тақомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозлари даражасига чиқариш ишига катта аҳамият бериб келинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам таълим тизимидаги ислохотларни олиб боришда дастуруламал бўлди. Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида» ги Фармон ва ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам таълим тизимини ислох қилишда туб бурилишлар ясамоқда. Биз янги ўқув йили арафасида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар ЗОКИРОВ билан суҳбатда бўлиб, бугунги кунда 9-синф битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларни узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи, яъни академик лицей ва касб-хунаро коллежлари йўналиши бўйича шаҳарда олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Анвар Шукурович, республикада таълим тизимини ислох қилиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. 9-синф битирувчиларини узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларига жалб қилиш шу кундаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Янги ўқув йилини мамлакатимиз халқ таълими тизими ходимлари, айниқса умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ўзгача бир кўтаринки қайфият, зўр куч-ғайрат билан бошлашига аминмиз. Зеро, бунга бизда етарли асос бор. Хусусан, сўнгги пайтларда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижаси ўлароқ, республикада мактаб таълимини ривожлантириш борасида ҳам амалий саъй-ҳаракатларнинг бошлаб юборилганлиги мактаб ўқитувчиларини беҳад хурсанд қилмоқда. Президентимизнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида» ги Фармони шу соҳа ходимларининг ҳар бирига катта маъсулият юклайди, албатта. Ушбу Фармонда мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш каби масалаларга давлат миқёсида ҳамда умумий миллий даражада эътибор берилаётганлиги айти мудоа бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунаро таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 473-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бош бошқарманинг 2003 йил 13 ноябрда махсус буйруғи чиқарилиб, Тошкент шаҳри бўйича туманлар кесимида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунаро коллежларига жойлаштиришнинг истиқболли режаси ишлаб чиқилди.

2003-2004 ўқув йили 9-синф битирувчиларининг келгуси ўқув йилида ўқишларини давом эттириш режасига кўра, шаҳар бўйича жами 35300 нафар 9-синф битирувчиларидан 28559 нафари академик лицей ва касб-хунаро коллежлари, 6741 нафари эса 10-синфларда ўқишларини давом этти-

битирувчи тавсия олди.

— Шу кунларда касб-хунаро коллежлари ва академик лицейларга ўқувчилар қабул қилиш жараёни ниҳоятла бормоқда. Ҳукуматимизнинг юқорида қайд этилган қарорида 9-синф битирувчисининг ўқишни бундан кейин давом эттира

Ислохотлар оқимида

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИГА ЎТИШ —
ДАВР ТАЛАБИ

ришлари режалаштирилган.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳузуридаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таъхис Маркази ҳукумат қарори бўйича туман таъхис марказлари билан биргаликда 9-синф битирувчиларини касб-хунарга йўналтириш бўйича «Қизиқлар харитаси», «Холланд» методикаси, «Дифференциал-диагностик сўровнома», «Психометрик тест», «Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларни аниқлаш тести», «Касбий фаолият мотивацияси» тестларини ва ота-оналар билан уларнинг фарзандлари касб танлашлари ҳақидаги анкета сўровномаларини ўтказди. Йил давомида барча туман мактабларининг 9-синф битирувчилари учун олинган «Касбий маслаҳат ва психологик-педагогик таъхис харитаси» га тест ва болалар билан ўтказилган суҳбат натижалари ёзиб борилди.

Йил давомида олинган тестлар ва улар учун нашр этилган «Психологик-педагогик таъхис харитаси» якунига қараб битирувчиларга академик лицейларнинг 4 йўналишига 6737 нафар битирувчи, касб-хунаро коллежларининг 11 йўналишига 28563 нафар

олмаслигининг ҳар бир ҳолатига ташвишли ҳол сифатида қаралиши зарурлиги таъкидланган. Бу вазифанинг ижросини таъминлаш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Дарҳақиқат, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси шаҳар ўрта махсус, касб-хунаро таълими бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма буйруқ ва қарорлар қабул қилган. Ҳамкорликда ҳар бир битирувчи ҳақидаги маълумотлар банки яратилмоқда, ҳар бир битирувчининг кейинги ўқишга жалб этилиши мониторингини олиб бораёти-

Айрим ўрта махсус таълим муассасаларининг режасига нисбатан, ўқиш истагини билдирган ўқувчилар сонини ошиб кетган тақдирда, уларни танлаш йўналишларида мос келадиган, ўриндош мутахассисликлари мавжуд, яшаш жойларига яқин жойда жойлашган ўрта махсус таълим муассасаларига йўналтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунинг билан керакки, кейинги йилларда ёшларнинг иқтисоди ва қобилиятларини ривожлантириш, касб-хунаро эгаллашлари учун жаҳон андозларига мос келадиган, замонавий жиҳозланган академик лицей ва

касб-хунаро коллежлари қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилди.

Касб-хунаро коллежлари ўқувчиларининг касб-хунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва қўнимчаларини чуқур ривожлантиришга, уларга танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради. Яъни касб-хунаро эгаси бўлиш инсоннинг энг катта эътизати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида жуда катта фойда келтиради. Хунаро тўғрисида киши иззат-икром топади, камолга етади. Халқимизда илму хунаро доимо улуғланиб келинган. Фарзандларини илмий, хунароли қилиб воғта етказиш миллатимизга хос фазилатдир.

Туман ҳокимликлари ва халқ таълими бўлимлари ҳар бир туманининг ҳудудий шароитлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 473-сонли қарорига, шу қарор билан тасдиқланган «9-синф битирувчилари умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этиш тартиби тўғрисида» Низомига асосан 10-синфга ўқувчилар қабул қилиш чегараланганлигини инобатга олиб, янги ўқув йилида 10-синфлар очиладиган мактабларни белгиладилар. Тошкент шаҳри бўйича 2004-2005 ўқув йилида жами 332 та мактабдан 192 тасида 9 йиллик таълимни жорий этиш, 140 та мактабда 10-синфлар очилиши режалаштирилган.

10-синфлар очилмайдиган мактабларнинг битирувчилари ўқишни мактабда давом эттириш истагини билдирганлари тақдирда, улар энг яқин мактабларга бириктириладилар. Олиб борилаётган ишлардан ота-оналар, жамоатчилик доимий равишда огоҳлантириб боришмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунда таъкидланганидек, «Воғта етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунаро таълими олишлари учун жавобгардирлар».

Юқорида баён этилганлардан қўрилиб турибдики, мамлакатимизда таълим соҳасидаги олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти юрти-мизда маънавияти буюк, маърифатли баркамол авлоднинг камолга етишишда муҳим аҳамият касб этади.

Дилором ИКРОМОВА
суҳбатлашди.

Ёшлар — келажакимиз

ЗИЁХОНА ЗАҲИРАСИ
БОЙИТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Акмал Икромов номли академик лицей кутубхонаси ёзги таътил пайтида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда 10,5 мингтадан ортқ дарсликлар, бадий, сиёсий-ижтимоий адабиётлар, ўқув қўлланмалари бўлган миллий кутубхонадан ташқари Марказий Осиёга бегараз ёрдам фонди томонидан ташкил этилган «Янги авлод» кутубхонаси ҳам мавжуд. У 12 мингдан зиёд китоб бойлигига эга. Кутубхонанинг қарийб 900 нафар аъзоси бор.

«Янги авлод» кутубхонасининг раҳбари Уолш Хелен хонимнинг таъкидлашича, бу

ерда мавжуд адабиётлар мазмунан янги ўқув дастурига жуда ҳам мос келади. Ўқув юрти томонидан мазкур кутубхона заҳирасини бойитишга катта эътибор қаратилмоқда ва бу ўз самарасини бермоқда. Яқинда кутубхона «Кимёдан дастурлаштирилган масала ва машқлар тўплами», Жанубий Корея кредит фонди ҳисобига келтирилган «Биологиядан ўқув техник воситалар» китоби, «Кимёдан атамалар лугати», «Биология атамаларининг изоҳли

лугати» каби адабиётлар билан тўлдирилди.

Марказий Осиёга бегараз ёрдам фонди ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришга қўмақлаштириш учун лицейга турли бошқотирмалар, рангли суратлар тўплами, кўргазмалар воситалар аудио-видео кассетларини тортиқ этди. Мазкур фонд ўтган йили миллий кутубхонага ҳам 600 дан ортқ турли хорижий адабиётларни совға қилганди.

Лицей кутубхонасида юз ўринга мўлжалланган қироатхона ишлаб турибди. Бу ерда «Сиз ҳуқуқни биласизми?», «Янги китоблар», «Маънавият ва маърифат» мавзудаги китоблар кўргазмалари, Меҳр ва муруват йилига бағишланган махсус бурчак ташкил этилган. Кутубхона бу йил 42 номдаги газета ва журналларга обуна бўлган.

Сеvara АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети қошидаги
академик лицей талабаси.

Она юртимиз, хусусан Тошкентимиз бизга нон-дек азиз ва муқаррам. Истагимиз унинг осмонини мусасфо қўриш. Чунки осмон нақадар тиниқ бўлса, ундаги юлдузлар шу қадар ёрқин порлайди. Бу кўнча шаҳар ўзининг ўтмиши тарихида нене қувончу машаққатларга тўла бўлган кунларни бошидан ўтказмади дейсиз. Хайрли кунларни хушнудлик билан кузатиш, машаққатларни чидам ва сабр-бардош билан енгди. Бугун бу она замин мустақиллик қўёши нуридан қароғон бўлиб турирди. Энг муҳими, бугунги Тошкент жаҳоннинг йирик анжуманлари ўтадиган, халқаро симпозиумлар, кенгашлар ва бошқа йирик тадбирлар уюштирилаётган масканга айланиб бормоқда. Бундай халқаро миқёсга эга бўлган тадбирларнинг режалоштирилаётганлиги пойтахтимизнинг нафақат минтақамиз, балки жаҳонда улкан нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат бериб турибди. Шаҳримизда доимий фаолият юритаётган турли мамлакатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар, банклар ваколатхоналари ва бўлимлари, хорижий фирмалар ва бошқалар ҳам, албатта пойтахт ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий муҳитига янгича қиёфа бахш этиб турибди. Айниқса, фақат сиёсатдонлар, бизнесмен-тадбиркорлар эмас, балки йирик маданият ва фан арбоблари, машҳур санъаткорлар ҳам бу заминга интилаётганликлари қувончлидир. Халқаро театр, кинофестиваллар каби маданият ва санъат анжуманларининг тез-тез ўтказиб турилиши ананага айланиб бораётганлиги шундан далолат бериб турибди. Ниятимиз эса ҳолис. Аҳли жаҳон Тошкентга интилиб, халқаро майдонларда шаҳримиз обрў-эътибори ошиб бораётган заминимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, уни балою қазолардан Яратганининг ўзи асрасин деймиш. Жаҳолатни қурол қилиб олган, қилмиши бузғунчилик, талончилик ва сотқинлик бўлган кимсалар билиб қўйсин, Ўзбекистон халқини ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, эркин, демократик жамият қуриш йўлидан ҳеч қандай қуч қайтара олмайд.

Бугун терроризм нафақат бир, ёки бир неча халқнинг, балки бутун дунё халқлари озодлигининг душмани эканлигига бутун жаҳон афкор оммасининг ақл-идроки етиб турибди. Бу муаммо ни қай даражада ҳал этиш инсониятнинг қандай қуч билан бирлаша олишига, жипслашувига боғлиқ. Бугун ҳар биримиз тинчлик, осойишталикни асраш учун шахсан мен нима қилайман, деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтага назар билан баҳолашимиз зарур.

Баъзи юртдошларимизнинг онгига тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши деган тушунча ўрнашиб қолган. Балки бу бир жиҳатдан тўғри ҳамдир. Лекин тинчлик, осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий зарурятики, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаллас бурчи. Шунинг учун ҳам бугун «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра», деган широр долзарб бўлиб турибди. Лекин унинг долзарблигини бугун ҳаммамиз ҳам тўла англаб етгизмишми? Шу ўринда лоқайдлик, бегамлик ҳали-ҳануз кўпчилигининг тарк этмаётганини айтиш лозим. Бўлмаса ён қўшнимизнинг уйини ўғри уриб кетса, бир бузғунчи ёт кимса маҳалла ёки бозор кезиб яширинча аллақандай ноҳож варақаларни тарқатиб юрса, у дин номидан гапириб, даъватига қимларнидир ишонтиромоқчи бўлиб турса, нега биз кўра-била туриб индамаслигимиз керак? Билингки, бузғунчи кимсалар, террорчилар бизнинг худди мана шу бўшлиғимиздан фойдаланиб қолишади, ғаразли ниятларини амалга оширишади.

Энди маҳаллалар ҳақида ҳам икки оғиз. Бир вақтлар маҳалла тақдир тақозоси билан бирор янги оила кўчиб келса, уни етти пуштингача сўраб суриштирилар эди. Янги қўшнингнинг қимлигию, оиласи, қасрда ишлаганидан тортиб, олдиндан билиб олардик. Ота-оналаримиз нафақат ўзларини, балки етти маҳалла кишиларини билишган. Улар билан яқин алоқада бўлишган, борди-келди қилишган. Ҳозирчи? Очиги, маҳалласи тугул, ён қўшнинини танимайдиган оилалар ҳам топилмади. Яқинда ўзимиз шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Янги уйга қўчиб ўтган қўшнимизнинг манзилини қидириб бордик. Шошилишда унинг уй рақамини ёзиб олибмизу, қайси хонадонда яшашини сўрашни унутибмиш. Тўққиз қаватли уйнинг остонасига келиб шу ерда яшовчиларнинг бир не-

часидан сўрасак, улар биз истаган одамни мутлақ танимасликларини айтишди. Ҳатто бир йўлакда турадиган қўшниси ҳам «мана шу рўпараларни эшик Баҳромжонларники» дея олмади. Охири ўзимиз истаб, қидириб топганимиздан сўнг дўстимиз билан йўлакда суҳбатлашиб турганимизни кўрган ўша қўшни: «Э, сиз бу одамни сўраган эдингизми, мен бошқа киши деб ўйлабман», деди бизга хижолатомиз. Ана сизга қўшни-қўшнчилик, таниш-билишчи, оқибат. Қачондан бери кексаларимизнинг «Бир болага етти қўшни ота-она», деб айтган ибратли сўзларини унутадиган бўлдик. Қачонгача бундай лоқайдлик давом этади? Шу сабаб бошимизга бир мушкулот тушиб, кўзимиз очилганида эса кеч бўлади. Бекорга ҳам нурунийларимиз «Кўзингни очиб юр, болам»,— деган гапни айтишмайди. Айни мана шу сўзнинг тағида хушёрлик, огоҳлик, тинчликка жавобгарлик ҳисси ётади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши керак».

Тинчлик Оллоҳ томонидан бани инсониятга берилган улуғ неъмат. Курбони Каримда шундай иноят қилинади: «Эй иймон келтирган бандалар! Барчангиз тамомила тинчлик ва тоат йўлига киринглар». Пайғамбаримиздан сўраган эканлар: «Мусулмон деб кимни айтамыз, ё Расулудлоҳ?» Шундай жавоб берибдилар: «Тили билан, қўли билан бировга зарар етказмайдиган инсонларни мусулмон деймиш».

Ана энди айтинг, бегуноҳ одамлар қонини тўкаётган, тинчликни бузаётган террорчиларни ким деб аташ мумкин? Аслида улар ёвуз башараларини пардалаш учун муқаллас динимизни ўзларига восита қилмоқдалар. Қўрқитиш, дўқ-пўписа қилиш, ҳар хил фитналар уюштириш — террорчилар қуроли.

Баъзи хорижий манбалар пойтахтимизда содир бўлган портлашларни жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга тақашади. Бу нотўғри талқин. Ахир озодликка эришган ҳар қандай мамлакатда бирдан жамият тараққиёт йўлига ўтиб олмаганлиги тарихдан бизга аён. Уларда ҳам мамлакат ривожига тўсиқ бўлган чигил масалалар аста-секинлик билан ечимини топиб бортган. Қолаверса, бу оламда ҳаёт бор экан, муаммо-нинг бўлмаи иложи йўқ. Ҳатто озодлиكنинг узоқ йиллик тарихига эга бўлган, бутун фаровонликда яшаётган мамлакатларда ҳам муаммолар йўқ эмас. Бу ерда тап инсон ўз олида турган муаммо ва қийинчилиқни оқилона, соғлом фикр билан ҳал этишда қолган. «Бекорчидан худо бекор», дейди халқимиз. Ҳамма бузғунчиликларнинг боши мана шу бекорчиликдан келиб чиқади.

Тишли, тирноқли, пешона терини тўкишдан ор қилмайдиган одам ҳеч нарсадан қамчилик сезмай юрипти. Бир вақтлар академик шоиримиз Фафур Фулмон шундай ёзган эканлар: **Меҳнатда тафовут бўлмайди чалиш, Трамвай ҳаётидан қила кўрма ор. Саодат гарови ҳар қандай юмш, Хонзода қиздек ўтирма бекор.**

Бекорчиликдан ҳеч ким барака топмаган. Саодатга элтувчи бирдан бир тўғри йўл, бу — меҳнат. Узоқни кўзлаб, минг ўйлаб, бир кесилган мақсад, орзу сари интилиш. Агар ҳаётга зийрак кўз билан қарайдиган бўлсак, бугун бундайлар кам эмас орамизда. Уларнинг ишини қўриб бунчалар ношукрликка боришимиз инсофдан эмас-дек туюлади. Ахир Истиқлол шарофати ила ҳар биримизнинг йўлимиш очик. Ишбилармон, тадбиркор одамлар йўқдан йўндириб, бор қилипти. Улар шу қадар фойдала амаллар билан шуғулланишяптики, баъзан уларнинг ишини кузата турлар, ақлинг бовар қилмайди. Ўша барака топгулар фақат ўзини эмас, балки кўпчилиكنинг қорнини тўйғизяпти. Ишчиларни иш билан таъминлашяпти. Ночорларга меҳр-мурувват қўлини қўзиб, етим-есирлар, бева-бечораларга саховат кўрсатаяпти. Баъзиларимиз эса улар ораксидан эргашиш, улардан ўрнак олиб йўл-йўриқ ўрганиш ўрнига ҳасад қилишдан бўшамаймиш. Гўёки, наздимизда улар ўзгалар ноини туя қилаётган-дек. Аксинча, бу ишбилармонлар ён-атрофдагилар ноини бутун қилишга, ўз ақл-идроки, билими, тажрибаси, бориңки, бор маҳоратига суянган ҳолда иш юритиб давлатимиз қудратига қудрат қўшишга маълум даражада ҳисса қўшишяпти.

Бир мисол. Яқинда мактабдош дўстларимиздан бирининг туғилган кунига боришимизга тўғри келди. Белгиланган кунни бир пайтлар чор-ночор оила тебратиб турган биродаримизни уйига йўқлаб бордик. Ховлига кириб оғзимиз очилиб қолди. Эски уй ўрнида муҳташам иморат қад кўтарибди. Ховли саҳни кўм-кўк майсазор, ўртадаги фаввора атрофга ажиб бир мўътадиллик бахш этипти-ки, беихтиёр ўзингни қўшдек енгил сезасан. Сўраб-суриштирсак, дўстимиз қайсидир жамоа хўжалигидан хусусий ер олиб, оилавий пудрат асо-

кентда дўстларимиз кўп. Қаричилик. Уйда ўтиролмаيمان. Кўпинча шаҳар кезиб қасрда ўзбекларни кўрсам, дарҳол қадрдонларимни учратган-дек уларнинг ёнига чопаман. Сўраб-суриштирман, шу билан соғинч ҳисларим бир оз ёзилган-дек бўлади.

Олдий рус фуқароси Кузьма Ивановичнинг шаҳримиз ҳақида бу қадар тўққинлианиб гапириши она юртга бўлган ҳис-туйғуларимизни янада жўш урдириб юборди. Ўзга юрт кишилари сув ичган жойи — Тошкентни кўмсаб турса-ю, ўзимиздан чиқ-

Тинчлик — энг улуғ неъмат

ЎЗ УЙИНГНИ, ЎЗ ЮРТИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Буюк бобомиз ҳазрат Навоий ўз замонида «Олам аҳли билингиз иш эмас душманлик, ёр ўлуғ, бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш», деб бежиз башорат қилмаган эканлар. Қанча йиллар ўтибдики, бугун ҳам бу сўзлар ўзбек халқининг илб садидек жаранглаб турибди. Зеро, мақсади-миз тинчлик, Оллоҳ берган буюк неъмат, о дликни он қадар асраш экан, бу йўлда ҳамжихат бўлиб кураш олиб бормоғимиз керак. Биз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури сингари буюк зотларнинг авлодлари эканлигимиз билан фахрланамиз. Бу улуғ аждодларимизнинг ворислари сифатида халқ ва миллатни пок асраб яшамасак, уларнинг руҳи олдида хиёнат қилган бўламиз. Президентимиз айтганларидек, «Ватанимизни кўз қорачигидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналарини, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашига муносибмиз». Қалбимизда гурур ва билгимизда кучимиз бор экан, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди ва мақсадимиз йўлига ғов бўла олмайд.

сида ишлаб ҳалол меҳнатдан ҳавас қилса, кўнгулик мана шундай ҳаёт кечириётган экан. Хусусий мулкчиликнинг нақадар фойдалилиги, аҳамиятини ана шунда яна бир бор ҳис этдик. Хуллас, меҳнат қилган инсон кам бўлмас экан.

Заминимиз шу қадар унумли, саховатлики, ерга бу йил чўпдек нав-ниҳол қадасак, орадан уч-тўрт йил ўтмай, ундан серҳосил мева оламиз. Шундай экан биз нимадан, кимдан қаммиз. Хоҳлаганингизча тижорат қилинг, экинги, сизга ҳамма йўл очик. Ахир ишнинг кўзини биладиган одамлар, нафақат хусусий дўкон, ошхона, супермаркет, ҳатто эл соғлигини ўйлаб хусусий поликлиника очиб қўйган бу вақтда биз нимадан шикоят қилипмиз ўзи. Шикоят қилсак ўзимиздан, ўз билимсизлигимиздан, ўқувсизлигимиздан, ишқимаслигимиздан шикоят қиламиз ҳолос. Бизда иш билганга минг танга, билмаганга... Хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Бундан икки йил олдин жўралар билан тўпла-нишиб, Новосибирскка йўл олдик. Уч-тўрт кунлик сафаримиз деярли кўнгилли ўтди. Бешинчи кун негадир ҳаммамиз галати бир кайфиятга уйғондик. Ўзгаларни билмадими, лекин мен бутунлай борлигим билан ўз туғилиб ўсган юртим, уйим, оиламни кўмсаб қолгандим.

Сафаримизнинг охири кунни кўча кезиб юрсак, бир рус кишини бизга яқинлашиб сўради.

— Ўзбекистондан келдиларингизми? Тасдиғимизни олгач, сўзини давом эттирди. — Ўзбекистон таърифи йўқ, меҳмондўст республика. Мен ҳам Тошкентнинг сувини 25 йил ичганман. 1966 йилдаги зилзиладан кейин Тошкентга курувчилар сафида бориб, ўша ерда қоллиб кетгандим. Шу шаҳарда уйландим, бола-чақали бўлдим. «Оло» бозори қаршисигада тўрт қаватли бинода оиламиз билан яшардик. Аёлим ўз шаҳримизга қайтамиз деб қўймади. Бунинг устига ўша кезлар унинг ота-онаси оғир дард билан тўшакка михланиб қолган эди. Улар: «Кексайганимизда ўзгалар қўлида хор-зор бўлмайлик, мазоримизга тупроқни ўз қўлларингиз билан тортинглар»,—деб қўйишмади. Хуллас, уйни сотиб қайтишга мажбур бўлдик.

Мана 10 йилдирки, Тошкентни кўмсаймиш. Шундай шаҳарни тарк этганимиздан пушаймондамиз. Бойрайлик десак ноқорлик. Икки кексанинг топган нули нимага ҳам етарди, дейсиз. Тош-

қан баъзи кимсалар унга ёмон кўз билан тикилса, алам қилмайдики? Энди буни нима деб аташга ҳам тилим бормайди. Нонтепиклими ёки туз ичган тузлуққа тушуришми? Бизнингча ҳар иккала-си. Шунчалар ҳам разилликка борадимки инсон. Хиёнаткорни Худо ҳам кечирмайдикун ахир.

Шу Ватан бизники. Авлодларимиз орзу қилган Истиқлол ўзимизники. Уни асрай билиш ўз қўлимизда. Шу буюк иморатга ҳеч бўлмаса битта гишт қўйсак ҳам унинг барқарорлигини маълум даражада асрашга ҳисса қўшган бўламиз. Лекин бир нарсани аниқ айта оламиз. Бўлиб ўтган бу кўнгилсиз ҳолисалар бизни ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлишга фақат тилда эмас, яна бир қарра дилдан ҳис этишга ундайди.

Юртимиз осмонига қўланка солган сўнгги террорчилик оқибатида бир неча юртдошларимизни йўқотдик. Улар кунни кеча орамизда не-не орзу умидлар билан юришган эди. Бир нарса аниқки, яшашга ҳақли бўлган бу инсонлар юртимиз, халқимиз тинчлигини сақлаш йўлида жонларини фидо қилишди. Ватан посбонларининг бу жасорати ҳеч қачон ёдимиздан кўтарилимайди. Фаламислик ва қабихлик йўли билан уларни жонига қасд қилганлар эса абадул-абад тақди даънатга учрайди. Бу юртдошларимизнинг гуноҳи не эди ўзи?

Яқинда кечки сайр чоғи шаҳарнинг гавжум хиёбонларидан бирида дам олаётган киши билан танишиб қолдик. У Арабистондан келган меҳмон Муҳаммад Назирий экан. Меҳмон ўз таассуротларини шундай баён этди:

— Кўз тегмасин Тошкентга. У бекиёс, мислсиз дарахларга яшариб, янгиланиб кетибди.

Меҳмоннинг ўзбекларга хос бўлган исми, шарифи ҳамда соф ўзбек тилида гапириши қўлогимизга иссеик туюлади. Ундан шу ҳақда сўрадик.

— Бунинг тарихи узун биродар, — дея сўз бошлади у. — Алҳамдулиллоҳ мен ҳам ўзбекман. Ўша қувғин даврларида ота-онамизни қўлоқ қилишиб, ўзга юртларга бадарга етишган. Қанча-қанча ўлкаларни кеза-кеза охири бошпана топиб, қўноқ бўлиб қолдик. Ота-онам юрт соғинчи ила уни қайта бир бор кўриш илинжида ниятларига етолмай оламдан ўтишди. Улар ўлими олдида: «Ўғлим, агар яхши замонлар келиб, бизнинг қадамимиз етмаган она дилерга бориб сенга надиҳ этса, унинг бир сиқим тупроғини олиб ке-

либ, қабримиз устидан соч», дея васият қилиб, бандиликни бажо келтиришди.

Уларнинг ушлаганга орзуларини рўёбга чиқариш учун кўп бор уриндим. Лекин турли тўсиқларга дуч келиб, она юртга келишининг иложи топилмади. Фақат Ўзбекистон Мустақил юрт деб, эълон қилингандан кейингина биз каби муҳожирларга қўлай имконият туғилди. Юрт озодлиги, ҳурлиги бизга ўхшаганларга катта қувонч келтирди. Шундан бериб тез-тез Ўзбекистонга келиб тураман. Тошкентда бўлиб ота-онам яшаган жойларни зиёрат қиламан, тупроғини кўзимга суртаман.

Ўша террор содир этилган чоғида мен ҳам Тошкентда эдим. Очиги, ўзи яшаб турган шундай заминнинг қадрига етмай оёқ ости қилишга уринган ўша юртфурушларга лазнатлар ўқидим.

Агар билсангиз Зайниддин Восифининг 1515 йилда эълон қилинган «Бадоеъул-вақоъ» асарини ўқиганман. Унда Кент шаҳри, яъни Тошкент ҳақида қуйидаги мисралар бор:

**Аялоқ бир шаҳарки, жаннатмақондир
Ҳижолатдан жаннат сийнаси қондир.
Бу Кентни ким кўрса жилмагай,
Жаннат неъматларини орзу қилмагай,
Бўлак юртларда гар бўлгунг бахтиёр,
Бунда гадалик беҳ, этил иштиёр...**

Ҳа, биродар, бекорга ҳам дунё кўрган кишининг «Ўзга юртининг шоҳи бўлгунча, ўз юртининг гадоси бўл», деб айтишмаган экан-да. Кимки ўз юртининг қадрига етмабди, демек у ўзлигини унутибди.

Барибир, халқимизнинг бағри кенг, меҳроқибатли-да. Масъулиятли ва оғир дамларда бир-бирига ҳамдам бўлиш азалий одатимиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари бўлиб ўтган қўпоровчилик ҳаракати муносабати билан ўтказилган ҳукумат комиссияси йиғилишида юз берган фожаи натижасида қўрбон бўлганларнинг оила аъзоларига ва азият чекканларга ўз ҳамдардлигини билдириб, биринчи галда уларга моддий ва маънавий қўмаклашиш масаласини илгари сурди. Бугун эса замондош ва ватандошларимизнинг фикри, зикри ягона мақсадга қаратилган, у ҳам бўлса бир жон, бир тан бўлиб, терроризм хавфига қарши курашиш, озод ва бахтли ҳаётимизга раҳна солаётган бу иллатни бутунлай орадан қўтариб ташлаш. Буни таҳририятимизга ҳамшаҳарларимиздан келаётган мактублар мазмунидан ҳам билса бўлади.

— Ватан ягона, Ватан муқаллас. Унинг тупроғи кўзимизга тўтиб. Ватан сўзини тилга олганимда дарҳол кўз олдимга юртимиз тупроғида бўлиб ўтган ўша воқеалар келади. Ўз-ўзимга савол бераман. Хўш, бу кўргуликка ким сабабчи? Жавоб ҳам ўз-ўзидан келади. Терроризм ва унинг малайлари. Бугун уларга қарата шундай демоқчиман, — деб ёзади бизга хат йўллаган халқаро муҳандислик академиясининг академиги, техника фанлари доктори Абдували Фулом-маҳмудов. — Эй одамзот, сенга нима керак ўзи? Кундалик ҳаётинг осуда ўтиб турган бўлса, бошпананг, ишлаб турган бир қарич еринг, Худо берган оиланг тинч бўлса, яна нима истайсан ўзи? Амалии, мансабми? Ахир ким ҳасад, бузғунчилик билан орзу-мақсадига эришибдики, сен бунга эришмоқчисан? Ҳалоллик, фидойиликни ўзига йўлдош қилиб олган, бойлигига ақл-заковатини юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида сарф этаётганларгагина яхши ният йўлдош бўлгуси. Халқ меҳри ва зикри ўшанинг томонидан бўлади.

Иймони бут, иродаси бақувват халқни ёвузлик билан қўрқитиб, ақилпарастлик билан ҳам алдаб бўлмайди. Бугун ким орзули ният билан уй қурапти, ким уни яқсон қилапти. Бу кўзгудек ҳаммага равшан. Ким яхши-ю ким ёмон, ким ақли, ким нодон. Элнинг кўз ўнгиде турибди.

Сўзини қуйидаги мисралар билан изоҳласам: **Террорчига ўрин йўқдир бизнинг жаҳонда,
Қурашмиш тинчлик учун то жон бор танда,
Қоламай десак келажақда галда, армонда,
Хушёр бўлиб яшаш керак ушбу замонда.**

— Эсимда, бундан 5-6 йил муқаддам Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағиса: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли китобларини мутолаа қилиб чиққан эдим. Унда ким дўсту, ким душман, дунёнинг хавфсизлигига таҳдид солиб турувчи қучлар ким эканлиги очик-ойдин кўрсатиб берилган. Қолаверса, Юртбоши-

миз барча халқаро миқёсдаги чиқишларида терроризмга қарши биргалашиб курашиш гоёсини ўртага ташлаган ва барча нуфузли ташкилот, давлатларни бу бало-қазони бирлашиб даф этишга чақирган эди. Ер кураасида рўй берган ва бераётган сўнгги воқеалар келажақни олдиндан кўра билган давлатимиз раҳбарининг бу фикр ва истакларни тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Тинчлик ва осойишталик ҳар бир халққа, ҳар бир инсонга дахлдор эканлигини бугун янада чуқурроқ ҳис этиб турибмиз. «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» қақиринига биз ҳамиша ҳам лаббай деб жавоб бераёلمизми? Рўй-рост айтиш керак, баъзи жойларда бу борада ҳали-ҳануз бегамлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бугун қўшни уйга оралаган ўғри, эртага бизнинг ҳам уйга мўралашини тушуниб етишимиз керак.

Куни кеча 3150 аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган мавзуда бўлиб ўтган йиғилишда юқоридаги сўзлар қайта-қайта тилга олинди. Маҳалла аҳли террорчиликка қарши курашиш ҳар бир софдил инсоннинг вазифаси эканлигини дилдан тушуниб етди, — деб ёзади бизга маҳалла оқсоқоли Қобил Зокиров.

Шу ўринда ҳамшаҳримиз, уй бекаси Гулчехра Ҳабиловдан келган мактуб ҳам оналар фикрини баён этиши билан аҳамиятга молик деб ўйлаймиз.

— Оналарнинг нияти ҳолис. Дуоси тезроқ ижобат бўлади. Сабаби, оналар ҳар қачон ер кураасида тинчлик ҳукм суришини, фарзандлари турли фалокатлардан омон бўлиб, уруш оловини кўрмаслигини кеча-кундуз Оллоҳдан тилайди. Она учун житарғушасидан айрилишдан ҳам оғир мусибат йўқ. Орадан йиллар ўтса-да, урушда шahiд кетган фарзандини ёллаб юрган оналар қанча. Фронтга жўнаш олдида уғилгинаси тишлаб кетган бир чети кемтик ноини ҳеч кимга раво кўрмай уй тўрида асраб юрган оналар қанча. Улар ҳали ҳам умидвор кўз билан тик этса, эшик пойлашади. Худди ундан фарзанди қобиллари кириб келаётгандек.

Оллоҳга минг абад шукрлар бўлсинки, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Лекин осойишталигимизни кўролмаётган ғаламислар ҳам бор. Бу қилмиш нияти қаби қора террорчилар ўқтин-ўқтин заҳарли илондек у ер-бу ердан бош кўтариб туришибди. Илоё бундай қўргуликлар қайта такрорланмасин, илоё юртимиз осойишталигига раҳна солган бузғунчиларнинг уйи қуйсин.

— Ғўр ёшлик чоғимизда отам «Ватан остонадан бошланади», деган сўзни тез-тез такрорлагувчи эди, — деб ёзибди бизга ўз хатида Ўзбекистон Миллий университетининг тўртинчи курс талабаси Ҳабибулла Каримов. — Бу сўзнинг мағзини қақшига ақлимиз оқиллигини билган отамиз бу ҳақда қанчалар ҳижжалаб тушунтиришга уринмасин, барибир унинг маъносига туб-тубига етолмасдик. Бугун ёшимиз етиб, падаири бузрукворимиз бу сўзларни қайта-қайта қўлогимизга қуйишларидан мурод не эканлигини ҳис этиб турибмиз. Чиндан ҳам киндик қони тўкилган уйини севиб ардоқлаган, унинг тинчлигини кўзлаган одам Ватанини ҳам ана шундай ардоқлаб қадрлайди.

Биз эндигина катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйяёلمиз. Мустақил Ўзбекистонимиз бағрида билимнинг янги чўққиларига интиляпмиз. Бугун заминимизда кечаётган воқеалар биз ёшларни ҳам беварқ қолдирмайди. Ишончимиз қомилки, бу заминдаги тинч аҳолининг кўнглига қутқу солаётган разил террорчилар муносиб жазо оладилар. Чунки жаҳон ҳамжамияти уларга қарши очикдан-очиқ кураш олиб бормоқда. Бундай қудратли тўлқинга дош берадиган қуч ҳали топилмаса керак. Биргаликда, аҳиликда, бир мақсад йўлида олиб борилган ҳаракат ўз самарасини кўрсатади, албатта.

Биз ёшларнинг дилимиз ва тилимиз ҳам бир. Озод ва обод Ватанимиз ҳимоясига доим тайёрмиз. Эл-юрт тинчлигини сақлаш йўлида лозим бўлса, жонимизни беришга ҳам тайёрмиз...

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тинчлик — энг олий неъмат. Унинг қадрига етиш, авайлаб-асраш ҳар биримизнинг инсоний ва виждоний бурчимиз. Ана шундай ҳаёт тарзига амал қилиб ўтаётган ҳар бир кунимизга зийрак кўз билан қараб яшасак, ана шундагина Ўз уйимиз, ўз юртимизни ўзимиз асраган бўламиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЎ
ДОМО БЎЛУҲ...

● Донишмандлардан бири ўз дўстларига шундай насихат қилди:

— Жаҳл ўтини чидам, бардош суви билан ўчириб, қахру ғазаб тиканларини сабр-тузим ўти билан ёндириб, сийнанинг ҳасад дўди билан хиралашмасин, кўнглингиз лаъҳида адоват нақшлари ўрин олмасин. Жон оғритар воқеалар оз берганда телба-девоналардек ҳаракат қилишдан, бошингизга қаттиқ мусибат тушадан умидсизлик гирдобидан сақланиб.

Ҳар ишингиз ўз андозасидан ташқари чиқмасин, ҳисобли иш тутиниб, ҳаражатингиз даромадингиз чегарасидан ошмасин, чиқимингиз қирмингизга қараб бўлсин.

Одамга сабр гар кўрингай заҳар,

Чидам ниҳояти жонга бўлғай шакар.

● Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидек қисқа бўлса ҳам халқ олдида мақбул. Ҳамма уни дилдан чиқармайди. Паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам ҳеч ким уни ёдламайди.

Ҳимматингизни тут баланд эл олдида,

Ҳимматингизча мартабанг бўлғай баланд.

● Ваъдага вафо қилиш — инсонлик фазилати. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши ҳислатлардан саналмайди.

Бировга ваъда бергил уддасидан гар чикар бўлсанг,

Вале қилмай вафо ахдингга, бўлма юз қаролардин.

● Ҳар кимни дўст ҳисоблаб, яширин сирни айтиш ақлли кишининг иши эмасдир.

Бўлмаган ҳар кимга жонинг бирла йўлдош,

Айтмагил ҳар кимсага сирингиз, сирдош ўзгадур.

● Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,

Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.

● Беш нарса ақлли одам ҳислати: қўлдан кетган нарсаси ақилмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга қирқмаслик ва хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

Оқил эрсанг сабр айлаб ҳар замон,

Қилма синган ҳам тўқилганга фигон.

● Олти нарса роҳатда яшашга ёрдам беради: ишчанлик, ҳақиқий дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақл фаросат.

Хоҳласангки эл сани яхши кўрар,

Бўлмаган ҳар кимга бадгў, бад назар.

● Етти нарса жоиларнинг одати: ҳар нарсаси аччиқлаши, сингалмаган одамга ишониш, дўст-душмани ажрата билмаслик, сирини ҳар кимга айтиш, ақсиз, нодон одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга ёрдамлашиш.

Ҳар кишидан халқ бўлса норизо,

Ул бўлур юз минг балага муфтоло.

Акмал Икромов туманидаги Аббор Ҳидояттов номи маҳаллада шундай бир ибратли, аҳил ва тотув, меҳр-оқибатли оила бўлиб, кўпчилик бу файзли хонадон ва унинг соҳиби Ёдгор отага, унинг қўлимиши, тарбияли ўн уч нафар ўғил-қизига астойдил ҳавас қилишди.

Ёдгор Исамутдиновнинг ҳаёт йўли албатта бир текис кечмади. Ёшлиғидаёқ отасидан етим қолиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотди. Ўз тақдирини, келажагини фақат меҳнатда, билим олишда эканлигини англаб етди ва ўқиб оли асосларини эгаллашга астойдил киришди. Москва ва Киевдаги ўқув юртида таҳсил олди. Шунингдек, Тошкентдаги педагогика институтида ҳам ўқиб, уни муваффақиятли тамомлади. Бу орада иккинчи жаҳон уруши бошланиб, Ёдгор Исамутдинов ҳам кўп қатори фронтга йўл олди. Оловли жангларда ярадор бўлиб, биринчи гуруҳ ногиронига айланди. Эсон-омон силаси бағрига қайтгач, бир қанча ташкилотларда фаолият кўрсатди. Мактабда болаларга дарс берди, Тошкент нон савдоси корхонасида директор, 16 йил «Дегрез» маҳалласига раислик қилди. Шундан сўнг йиллар ўтиб Акмал Икромов туман «Маҳалла» жамғармаси раиси, кейинчалик эса Аббор Ҳидояттов номидаги маҳалла оқсоқоли вазифасида меҳнат қилди. Ёдгор отанинг маҳаллада ҳурмат эътибори баланд, чунки маҳалладаги ҳар бир тўй-ҳашам, маърака ва йиғинларга бош-қош. У кишининг маслаҳатисиз маҳаллада бирор йиғин ўтмайди.

Институтида ўқиб юрган йиллари курсдоши Санталатхон билан бир-бирларига муҳаббатлари уйғонган эди. Санталатхон Ёдгор аканинг урушдан қайтишини кутди. Сўнг турмуш қуришди. Муҳаббат билан бошланган оилалари мустаҳкам бўлиб, бахтиёр турмуш кечиришди. Кейинчалик бирин-кетин ўн фарзанд дунёга келди. Йиллар ўтиб, қизлари воёга етишгач, турмушга чиқарди. Лекин ҳаёт бир текис кетмас экан. Ёдгор ота оиласига мудуши ўлим соя солиб, Санталатхон 48 ёшида бевақт бу ёруғ оламдан олиб кетди. Орадан йиллар ўтиб, Ёдгор акани маҳалла-қўй, қариндош-урулар ўртага олишиб, ёш қолган фарзандларга она меҳри

кераклигини тушунтириб, уни икки фарзандли Зухра опага уйлантиришди. Зухра опа ўзининг болалари қатори Ёдгор аканинг фарзандларини ҳам дарҳол бағрига олиб, оналик меҳрини беришга, уларга ўз волидаларидек ғамхўр, меҳрибон бўлишга интилдди.

қилишда отамизнинг ёнларида ҳамдард бўлиб келмоқдалар. Уларни ўз онамиздек ҳурмат қиламиз. Бошимизда соябон бўлган отамиз билан доимо фахрланамиз. У кишидаги сабр-матонат, кучли ирода, қатъиятлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик каби фазилатларига ҳавас

даги олижаноб фазилатларини қадрлаймиз. Ҳаммакизи бирдек меҳрибонлар, бизни доимо аҳил-тотув яшашига, оқибатли бўлишга ундайдилар. Бу дунёда меҳр берсанг, меҳр олсан, деган гап бежиз айтилмаган. Биз келинлар, ўғил-қизлар, набираларга-ча дада-жонимизни жуда яхши кўраемиз ва ҳурмат қиламиз. Дадамиз билан оиламиз файзли, бахтиёр, ҳаммаша меҳмонлар билан гавжум. Илоҳим уларнинг умрлари узоқ бўлсин.

Дейдиларки, яхши қариялар бор жойда одобли, илму маърифатли ёшлар етишиб чиқади. Бундай кексалар йўлчи юлдуздек атрофга нур сочиб туради. Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир. Ёдгор ота хонадонидидаги меҳр-оқибат ва ҳурмат, тотувликка маҳалладошлари доимо ҳавас қилиб келишди. Айни кунда табаррук 80 ёшни қарши олаётган Ёдгор ота 13 фарзанд, 36 набира, 8 эваралари даврасида, уларнинг ҳурмату эъзозиде қарилк таштини суриб келимоқда.

— Шундай мунаввар, фаровон кунларга етаклаганига шукр, — дейди Ёдгор ота. — Не-не кўнларини бошимдан кечирмадим. Урушнинг оловли йилларини кўрдим. Мустақиллик туфайли шундай дорилмон кунларга етиб, ўғил-қизларим, келинларим бағрида пир бадавлат бўлиб яшаётганимдан Оллоҳга шукроналар айтаман. Президентимизга ҳам раҳмат. Биздек қарияларга, ёшларга, хотин-қизларга ғамхўрлик қилиб, катта эътибор кўрсатмоқдалар. Бу кунларнинг қадрига етиш керак. Халқимиз турмуши фаровон, Мустақил Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнамоқда. Шу озод ва обод Ватанимизни ёмон кўзлардан, ғарз ниятли кишилардан асраш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Яхши инсонларнинг ниятлари ҳам ҳаммаша пок ва эзу бўлади, албатта. Ёдгор отанинг юракдан айланган эзу ниятлари ижобат бўлишига биз ҳам тилакдоримиз. Ота-хонга янада узоқ умр, бардамлик тилаб, орамизда Ёдгор отага ўшашган жонқулар, халқларвар, инсонлар кўпайишини ният қиламиз.


ДИЛОМОН ИКРОМОВА
СУРАТДА: Ёдгор ота Исамутдинов набиралари даврасида.

Сергей Любич
олган сурат.

Нур бадавлатларимиз

ШУНДАЙ ОИЛА БОР

Ҳамшаҳарларимиз орасида ибратли ва мазмунли умр пиллаполарини босиб ўтган, ҳаётда кўпни кўрган, оқилу доно, пир бадавлат кексалар кўплаб учрайди. Баъзида шундай бир хонадонларга кириб юзларидан нур ёғилиб турган мунис, нуроний қарияларнинг фарзандлари, набир ва эваралари даврасида эъзозда эканликларини кўриб, беихтиёр уларга ҳавасинг келади.



— Ҳа, бу дунёда ҳаётнинг аччиқ қисматларига кўнмай илоҳимиз йўқ экан, — дейди Ёдгор аканинг катта қизи Соҳида Шарипова. — Онамиз Санталатхон ая жуда ҳам оқўнгил, меҳнатсевар, камтарин ва меҳрибон аёл эдилар. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. Отамиз билан жуда аҳил ва иноқ турмуш кечиришган. Уларнинг турмушига ҳамманинг ҳаваси келарди. Биз фарзандларга айниқса, қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият беришган. Бизларни аввало билим олишга, меҳнатсевар бўлишга ундашган. Шунингдек, муомалали бўлишни, одамларга доимо қўлидан келган ёрдамни аямасликни ўргатиб келишган. Афсус, онамиз бевақт оламдан ўтдилар. Кейинчалик Зухра онамиз укаларимга ўз меҳрларини бериб, уларни уйли-жойли

қиламиз ва отамизга ўшашга интиламиз. Отамиз доимо элу юрт, маҳалла-қўйнинг ғами билан яшашга, ночор кишиларга ёрдам беришга ҳаракат қилиб келадилар. Шунинг учун маҳалла-қўй орасида ҳурматлари баланд.

Ҳақиқатан ҳам Ёдгор ота маҳаллада кам таъминланган оилаларга қўмак бериш, ишсизларни ишга жалб қилиш, адашганларни тўғри йўлга солиш, беморлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишларда ҳамон жонқуярлик қилиб келмоқда.

— Дадамлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, — дея суҳбатга қўшилди Ёдгор отанинг катта келини Марғуба опа. — Ҳар бир инсоннинг эътиқод қўйган, эргашидан одами бўлади. Дадамлар ҳаммамиз учун ҳар томонлама ибрат бўлиб келганлар. У киши-

Истиклол йилларида маҳалла тизимининг бекиёс ривожлантирилиб, унинг макъеи ва юмушлари тобора ошиб бораётгани ижтимоий-маиший ҳаётимизда ўзига хос воқеалик бўлди десак аниқлашмаган бўламиз. Республикаимизнинг турли бурчакларида ўтказилган «Энг фаол маҳалла», «Маҳаллам — фахрим менинг» сингари тадбирлар фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Туманларда

ДИЛДАН
СУҲБАТ ҚУРИШДИ

Мустақиллигимизнинг 13 йиллик шодиёнаси тобора яқинлашиб келаётган айни кунларда пойтахтимизнинг Юнусобод тумани маҳаллалари фаоллари, кенг жамоатчилик Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси кўмағида «Маҳалла кўни» байрам тадбирини ўтказдилар.

— Тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад, маҳалладошлар ўртасида ўзаро меҳр-мурувват туйғуларини юксалтиришдан иборатдир, — дейди Юнусобод тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси вазифасини бажарувчи Мираъзам Ҳасанов. — Эндilikда бундай тадбирлар кўламини кенгайтирмоқчимиз.

Сўлим анҳор ёқасида қад ростлаган гузарда бир пиёла чой устида йиғилган юнусободликлар юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, давлатимиз раҳбарининг маҳалла тизимига бераётган эътибори ҳақида илиқ фикрларни айтишди.

— Ҳозирги кун ёшлари учун бундай тадбирларни ўтказиш фойдадан холи

эмас, — дейди узоқ йиллик педагогик тажрибага эга Салим ота Қодиров. — Ёшларимиз маҳалла, ўзаро меҳр-оқибат, одамийлик нима, ҳаммасидан хабардор бўлишсин. Шундагина юртимиз тинч бўлади. Ёшларимиз турли гуруҳлар таъсирига берилмайди.

Ўтказилган тадбир якунида эълон қилинган танловнинг турли йўналишлари бўйича ғолиб бўлган маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари ва бир гуруҳ фаолларга совғалар, мукофотлар топширилди.

«Энг обод маҳалла», «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг фаол маҳалла посбони» номлига сазовор бўлганлар маҳалланинг янада тартибли, озода масканга айланишига ҳисса қўишга доимо тайёр эканликлари ва қолганларни ҳам бу эзу ишларга бошлашлари ҳақида ўз дил сўзларини изхор этдилар.

Тадбир давомида янграган куй-қўшиқлар кўнгилларга бир олам қувонч бағишлади.

Хумоюн АЛИЕВ

ОНА ТАБИАТНИ
АСРАЙЛИК

Республика Табиати Мухофаза қилиш давлат қўмитасида 2004 йил биринчи ярми таҳлилига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Табиати Мухофаза қилиш давлат қўмитаси 2004 йилнинг биринчи ярмида тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда табиати мухофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳаларида маълум амалий ишларни бажарди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 97,3 мингта ифлослантирувчи манбалар ўрганилиб, 10,2 мингта ифлослантирувчи манбалардан ташланаятган ифлослантирувчи моддалар даражаси белгиланган меъёрлардан ошиб кетганлиги аниқланди ва қўмита томонидан зарур чора-тадбирлар қўлланildi.

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг биринчи ярмида, атроф-муҳит мухофазаси юзасидан сезиларли ишлар бажарилган. Хусусан, «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида «Вентури» нам ушлаш ускунаси ишга туширилган. «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида завод худудидидаги дренаж ва қудуқлар нефть маҳсулотларидан тозаланган, «Тошша-харйўловитранс» давлат акциядорлик жамиятида 124 та янги автобус сотиб олинган. Шу каби ишлар вилоятларда изчил олиб борилди. Фарғона вилоятидаги «Қува-сойсеемент» акциядорлик жамиятида цемент чанги миқдори 11,95 тоннага камайтирилди.

2004 йилнинг биринчи ярмида олиб борилган ишлар республикамиз экологик ҳолатининг яхшиланишида жиддий қадам бўлди.

Сардор МАДАТОВ,
«Туркистон-пресс»

МУССОН ЁМФИРЛАРИ КЕЛТИРАЁТГАН КУЛФАТ

Жанубий Осиё мамлакатларида йирик сув тошқинлари юз берди. Мутахассислар бундай табиий офат сўнгги 15 йил давомида кузатилмаганини таъкидламоқда. Узлуксиз таътиланган жала натижасида юзага келган кучли тошқинлар Ҳиндистон, Бангладеш, Непал ва Покистонда 1578 кишининг умрига зомин бўлди.

Бангладеш пойтахти Даккада фаолият кўрсатган халқаро инсонпарварлик ташкилоти вакиллари табиий офат келтирган зарар кўлами жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга соладиган даражада эканини маълум қилди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, табиий офатдан айниқса Бангладеш аҳолиси кўп жабр кўрган. Тошқинлар шунинг ҳам дунёдаги энг қаттиқ мамлакатлар ҳисобланган Бангладеш иқтисодиётини инқироз ёқасига келтириб қўйди. Мамлакатнинг бир ойда кўрган иқтисодий зарари етти миллиард АҚШ долларида баҳоланмоқда.

Жаҳон озиқ-овқат дастури вакили Дуглас Куттснинг таъкидлашича, ҳозир мамлакат ҳудудининг 60 фоизи сув остида қолган. Табиий офат қишлоқ хўжалиги экинларини бутунлай йўқ қилган. Мамлакатга очарчилик хавф солмоқда. Айни пайтда Жаҳон озиқ-овқат дастури Бангладешга 20 миллион кишига етадиган озиқ-овқат етказиб беришни мўлжаллаётир.

Табиий офат гирдобидида қолган Бангладеш халқига дунёнинг кўплай мамлакатлари ёрдам қўлини чўзмоқда. Буюк Британия тўққиз миллион АҚШ доллари ажратишини эълон қилди. Халқаро қизил ҳоч ва қизил яримой жамиятлари БМТнинг Болалар жамғармаси билан бирга маблағ тўпламоқда.

Ёзги муссон ёмғирлари минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳам кулфат келтирмоқда. Биргина Ҳиндистоннинг ўзида табиий офат натижасида қурбон бўлганлар 858 кишидан ошиб кетди. Бангладешда эса олти юзга яқин киши табиий офатнинг қурбони бўлган. Непал ва Покистон иқтисодиёти ҳам табиий офатдан жиддий зарар кўрган.


Анжуманлар

ТАДБИР МАРОҚЛИ ЎТДИ

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Маданият ишлари бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги олдида «Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён тараққиёт сари одимлаб, кучли давлат-

маънавий соҳаларини тартибга солиб турувчи қонуналик жамиятнинг ажралмас қисми эканлигига урғу берилди.



дан кучли фуқаролик жамияти сари интилиб, ўз-ўзини бошқариш, эркинлик, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик каби мақсадлар сари йўналганлиги, бугунги кунда ана шу эзгу мақсадларга эришиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлиги, ҳаётимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-

Мустақиллик шарофати ила, ёшларга катта имкониятлар яратилганлиги, шундай бўлсада, бизнинг эркинлигимизни кўралаётган кучларнинг мавжудлиги, уларнинг турли йўллар, айниқса, мафкуравий таъйиқ билан ўз гаразли йўлига ундаётган ҳаракатлари оқибатида айрим ёшларнинг ёлгон ваъдаларга учиб, инсониятнинг қушандаси бўлган гивёндлик ҳамда терроризм каби ёвуз иллатларга қалиниши кузатилганлиги таъкидлаб ўтилди. Халқимиз маънавий камолотига таъсир этувчи гивёндлик, терроризм каби ёвуз кучлар билан «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан» курашмоғи-



миз зарурлиги уқтириб ўтилди. Шу юрт, шу Ватан барчамизники, уни асраш, ўғлонларнинг маънавий камолотини шакллантириш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ўзбек халқини ўз танлаган йўлидан ҳеч ким қайтара олмайди.

Шу билан бирга «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси каби жамоат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда ўрни сезиларли эканлиги айтиб ўтилди. Шах-

римиздаги маҳаллаларда, муассаса, корхона ва ташкилотларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари бунга яққол мисол бўла олиши самараси ўларок, бугунги кунда жамоат ташкилотларининг халқ ишончини қозонганлиги таъкидланди.

«Маънавият ва маърифат» маркази томонидан ана шундай тадбирларни эндиликда жамоатчилик вакиллари билан жойларда, маҳаллаларда давом эттириш таклифи билдирилди.

Саидакмал САЙНУРДИНОВ
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган тадбирдан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар.

Мулоҳаза

ҚОНДАНИ БИЛГАН ЙЎЛДА ҚОЛМАЙДИ

Эрталаб ишга кетаётган автобусда суҳбатлашиб кетаётган икки кишининг беихтиёр одамни ўйлатиб қўядиган баҳс-мунозарали сўзлари қулоғимга қалинди.

— Яна олти ойгина ишлаганимда пенсияга чиқиб кетар эдим, эссиз энди нима қилсам экан. Ўз қўлим билан ариза ёзиб ўтирибман-а.

— Шунча йил ишлаб ўз ҳақ-ҳуқуқингни билмаганимга ҳайронман.

— Нимасини айтасан, истихола қилиб, бошлиқ айтгандан кейин ёзиш керак, деб ўйлабманда. Энди билсам жиянига менинг ўрним керак бўлиб қолган экан.

Ана сизга, шунча йил ишлаб қариллик нафақасига чиқиш олдида турган соддагина инсоннинг фикр-мулоҳазаси. Ўринсиз ердаги андишаю истихола бу одамга жуда қимматга тушмаганмикан деб қолайди одам.

Ахир мустақилликка эришилган илк йил-

лардан бошлаб халқнинг ҳуқуқий маданияти, саводхонлиги ўсиши йўлида қатор сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хар бир корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртларидан тортиб маҳаллаларда ҳам малакали ҳуқуқшунослар билан қатор давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказиб келинмоқда. Ҳуқуқшуносларнинг йўл-йўриқлари, тушунтиришлари тўғрисида кўплай фуқаролар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари нимагадир иборат эканлигини англаб етмоқдалар. Кам бўлсада учраб турадиган ноҳуш ҳодисалар, ўринли танқидий фикрлар ҳали бу борада яна кўпроқ иш олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда.

Чилонзор туман ҳокимияти, туман маданият ишлари бўлими ва Фафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғи 2004 йил 18 август кунини соат 18.00 да бўлиб ўтадиган 6-анъанавий «КЕЛИН, КЭЛИН — УМРИНГИЗ ИЗОҚ БЎЛСИН!» деб номланган аския сайлига барча кулгусевар юртдошларимизни таклиф этади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Гулҳебра Абдурашидовна Турсунова номига берилган А № 415806 гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!
Биз наваҳоро, истисроҳот, ғайратга тўла ёшларнинг, бизга фақат Сизнинг таърифи ва қўлчилиги етмайди. Ғайрат ва таърифи билангириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб боруши энг ҳақсиз йўл.



TASHKENT
SHAHAR
AMOLOL
BOLIMI

Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тадбиркорларга «Ишлаб топ!» ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдид этишини таклиф қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Қаҳқаҳа

АҚЛИМНИ
ЕБМАНМИ?

Бир одам ўта тежамкор экан. Ҳатто хотини эшик супурса ҳам тепасида тураркан:

— Ҳов, секинроқ! Супурги ейляпти!

Овқат қилса яна ҳозир у нозир:

— Ие! Ёғни ҳам шунақа доғ қиладими? Камроқ-да! Қара, ҳаммаси тутун бўлиб учиб чиқиб кетяпти!

Бир кун бозорга кетаётиб, йўлда тақа-тақ тўхтаб, ўйланиб қолибди:

— Ис, шамни ўчирдимми ё бекорга ёниб ётибдимикин?

Ортига қайтиб, дарвозани қоқибди.

— Ким у? — ичкаридан хотиннинг товуши эшитилибди.

— Мен — эрингман.

— Ҳозир дарвозани очаман, шошманг.

— Ўйлаб гапиряпсанми? — жон ҳолатда бақирибди эри. — Эшикни очсанг ошиқ-мошиғ емирилади-я! Ўша ерда туриб гапимни эшитавер. Ичкарига кириб қара-чи, шамни ўчирибманми ё йўқми?

— Ўчирибсиз! — хотиннинг жаҳли чиқибди. — Шу уч сўмлик шамни деб уч қақирим жойдан қайтиб келибсиз-у юз сўмга олган туфлингиз емирилишини ўйламабсиз-да, дадаси!

— Ис, мени ким деб ўйлаяпсан,—жавоб қилибди эр. — Шунча йўлдан туфлида келиб ўлибманми, мана у — қўлтигимда.

Имом Бухорий номли Тошкент Ислам институти томонидан Иномхожаев Аскархон Сотимхонович номига 2002 йилда берилган А № 000013 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги лотереялар ташкил қилиш бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Равшан Рафикович
КАРИМОВНИНГ**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Мухими шундаки, кейинги пайтларда кутубхоначилик соҳасини ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида «Энг яхши болалар кутубхоначиси» Республика кўрик-танловининг ташкил этилганлиги ҳам фикримиз далилидир. Кўрик-танловни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Республика Давлат болалар кутубхонаси ҳамкорлигида ўтказдилар. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамизнинг барча вилоятларидан жами 12 нафар кутубхоначи иштирок этди.

— Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, — дейди Маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Фулом Нарзуллаев, — болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар фаоллигини ошириш, билимдон кутубхоначиларни аниқлаш ва уларнинг тажрибаларини омалаштириш, синфдан ва мактабдан ташқари ўқишни ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар ўқишга раҳбарлик қилиб, болаларга хизмат кўрсатувчи ижодкор кутубхоначиларни аниқлашдан иборатдир.

Кўрик-танлов танишув, касбим-фахрим, Меҳр ва мурувват йўлига бағишланган кўргазма шашкил этиш ва шарҳлаш каби шартлар асосида ўтказилди. Шунингдек, кутубхоначи

ва янги келган китобхон ўртадаги кизикарли мулоқотнинг саҳналаштирилган кўриниши намойиш этилди.

Танлов жуда кизикарли ва

шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзо Улуғбек номли болалар кутубхонаси мудири Гулсара Мирзахонова муносиб деб топилиди.

ўқиши билан боғлиқ халқ педагогикаси аъёналари, урф-одатларини тиклашга ҳаракат қиладилар.

● **Жаҳонгир МАМАТКОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг етакчи мутахассиси:**

— Республикамиз кутубхоналарида миллий истиқлол ғоясини, маънавият ва маърифатга оид билимларни болалар ва ўсмирлар онгига сингдириш борасида кутубхона ходимларининг билимини, касб-маҳоратини ошириш, кутубхоначилик касбини улуғлаш ҳамда барча кутубхоналарнинг энг илғор, ташаббускор болалар кутубхоначисини аниқлаш, уларнинг ижодий изланишларини юқори савияга кўтариш ва тажриба алмашиш мақсадида «Энг яхши болалар кутубхоначиси» кўрик-танловини ўтказдик. Албатта бунинг самараси, далили сифатида энг зукко, доно кутубхоначини аниқлаб олдик.

Дарҳақиқат, кутубхоначи бу — энг камтарин ва сермашққат касблардан биридир. Чунки бу касб чуқур билим, маҳорат ва сабр-тоқат талаб қиладди. Кутубхоначилар фидойи инсонлар, улар ҳар қандай шароитда ҳам инсонларга зиё улашадилар. Ҳозирги замон кишининг ҳар томонлама етуқ, маънавий баркамол бўлишлари йўлида заҳмат чекиб меҳнат қиладилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Танловлар

ЭНГ ЯХШИ
КУТУБХОНАЧИЛАР
АНИҚЛАНДИ

Ватанимиз келажагининг янада раванқ топишида, ёш авлоднинг қомил инсон қилиб тарбиялашда, улар онгига олижаноблик туйғуларини чуқурлаштиришда, Ватанга, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ва маънавий бойлигимиз бўлган китобларни тарғиб қилишда кутубхоналаримиз ва кутубхоначиларимизнинг тутган ўрни каттадир.

таассуротларга бой ҳолда ўтди. Танлов сўнггида ҳайъат аъзолари томонидан ғолиблар аниқланди.

Хоразм вилояти Хива шаҳридаги марказий кутубхонага қарашли 3-тармоқ болалар кутубхонаси мудири Гўзал Назарова «Энг яхши болалар кутубхоначиси» танловининг мутлақ ғолиби деб топилиб, Гран прига сазовор бўлди. Биринчи ўринга эса Самарқанд вилояти, Булунгур тумани марказлашган кутубхонаси болалар бўлими кутубхоначиси Нилуфар Сувонқулова ва Тошкент

Биз кўрик-танловдан сўнг ҳайъат аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан ҳисобдик.

● **Доно ҒАНИЕВА, Тошкент Давлат илмий педагогика кутубхонаси директори:**

— Бу танлов менинг назаримда кўтаринки кайфиятда ўтди. Ҳар бир иштирокчи қизларимиз унга алоҳида тайёргарлик кўришган. Китоб — нур, кутубхоначи эса илм нуруни, зиёсини таратувчи ҳисобланади. Мана шундай танловлар орқали кутубхоначилар бир-бирларининг иш тажрибаларини ўрганадилар. Болалар

Ўтган кун «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар «Пахтакор» — «Нефтич» жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон Кубоги ярим финал беллашувларининг биринчи ўрашуви гувоҳига айланишди.

Футбол

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Тан олиш жоиз, доимо мамлакатимизнинг икки номдор жамоаси ўртасидаги Кубок баҳслари муросасиз курашларга бой, қизикарли кечган. Ўзбекистон Кубоги беллашувларида тўрт мартаба финалда рубару келган «Пахтакор» — «Нефтич» ўрашувларининг ўтасида тошкентликларга омад қилиб боққан. Ушбу ўйинда ҳам мухлислар муросасиз курашнинг гувоҳи бўлишди. «Пахтакор»нинг кичик устунлиги остида ўтган баҳсинг биринчи бўлимида Алексей Николаевнинг ҳамаси 25 метрлардан дарвозага киритган тўпи ўрашуви охирига қадар ўзгармади.

Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг «Машъал» — «Трактор» жамоалари ўртасидаги ўрашуви эса 3:2 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга тўпларни «Машъал»-дан Ни, Борисенко, Давлатов, «Трактор»-дан Соломон, Муминокжоновлар йўллашди.

Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг жавоб ўрашувлари иккинчи сентябрда бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)



— Олти харфдан иборат сўз топ, хотин!
— «Ремонт», дадаси.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм

Шахмат оламида

ДУРАНГ ЎЙНАШ
ҲАМ САНЪАТ

Рақиблар аниқ ва пухта ўйнаган тақдирда шахмат тахта-сидда кучлар тенг келган вазиятлар тез-тез содир бўлиб туради. Икки шох бир-бирига қарама-қарши туради. Оқларнинг умид бахш этувчи «аскарлари» шунда теппа-тенг кучи билан қора доналар билан жанг қиладди.



Нихоят чигал ва кескин кураш орқада қолади. Буюк рус шахматчиси М.Чигорин ёзганидек: «Ибратли партиялар. Шахматчилар ахойиб бу ўйин ихлосмандларини одатдагидек қутилмаганда ўйин «санъатлари» билан хайратга солиш учун олис-олислардан халқаро мусобақаларга келадилар». Ўз даврининг энг кучли шахматчиси Мак-Доннелъ ва Лабурдонг ўртасида 1834 йилда Лондонда бўлиб ўтган баҳсда дуранглар ҳисобга олинмаганди. Дастлабки халқаро мусобақаларда — 1861 йилда Лондонда бўлиб ўтган беллашувда, 1862 йилда Парижда дуранг бўлган ўрашувлар қайтадан ўйналганди.

1867 йилда Парижда ўтказилган учинчи Халқаро турнирда эса дурангларни ҳисобга олиш ёки қайта ўйнаш у ёқда турсин, иккала рақибга ҳам мағлубият

ёзилганди. Фақат 1870 йилда Баден-Баден шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақаларда партиялар дуранг натижа билан тугаган тақдирда рақибларга яримтадан очко ёзилмаганди бўлди. Шахматчи одатда 64 каттаки тахта ёнида хаёлга берилиб ўтирган чоғида кучлар тенг бўлишига қарама-қарши биронта сипоҳ ва пьедасини онгли равишда қурбон қиладди ва рақиб учун катта ҳарбий аскарини бошқариш имкониятини яратлади. Ўзи эса кам сонли, аммо сафарбар, аниқ режали, яхши уюшган сипоҳларини қарши ҳужумга ташлайди. Шахматда натижа эмас, балки ғояларга бой, шиддатли тус оладиган, эътиборни жалб этувчи қизикарли кураш қадрланади. Қўхна бу ўйин ана шу жиҳати билан ахойиб ва жозибалидир.

Анвар ИНОКОВ,
шахмат шарҳловчиси.

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ
Мана бу икки диаграммада оқлар бошлаб дурангга эришадилар. Сиз қандай ўйнардигиз?



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

факс — 133-29-95; 133-11-39;

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажим — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

2812 нусхада босилди. Қотғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1 рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқиш»нинг компьютер
марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўр» кўчаси, 41-уй.